

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛ- ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕСИТЕТИ**

«МУСИКА НАЗАРИЯСИ» ФАНИ.

Реферат

**ТОПШИРДИ:
КАБУЛ КИЛДИ:**

**Эрманов Иноят
БОЛТАЕВА ГУЛБАХОР**

Урганч 2010 й

Мавзу : Маданият ва санъат коллежларида ритмик бўлинишлар ҳамда ритмик гурухлашни ўрганиш.

Режа

КИРИШ

1. Ритм хакида тушунча.
2. Мусикий товушларнинг эркин ва ритмик бўлинишлари.
3. Оддий ва мураккаб метр улчовлар.
4. Узгарувчан ва аралаш улчовлар.
5. Товуш чюзимларининг асосий жуфт бўлинишлари.
6. Мусикада темпнинг ахамияти.
7. Хулоса.

Кириш

Муסיкий назарий фанлар укув жараенида мухим уринларидан бирини эгаллайди. Муסיканинг бошлангич назарияси фани-барча назарий фанларнинг пойдевори асоси булиб, унинг вазифаси укувчиларга мустика асарлари мазмунининг ифода воситалари, мустикавий нуткнинг мухим унсурлари, уларнинг узаро алокалари ва мустикавий шаклдаги урни хакида асосий маълумотларни беришдир. Булар укувчиларга мустикавий асарларга онгли равишда ёндашишга, мустикавий нутк коидаларини узлаштиришига ва асарлар бадий мазмунини мукаммал очиб беришга ёрдам беради.

Муסיканинг бошлангич назарияси фани биринчи курсда 1 ва 2 семестрларда утилади.

Муסיкий –назария фанларнинг кейин урганиладиган гармония,(мустика асарлари тахлили ва хакоза) турларини пухта эгаллаш учун муסיканинг бошлангич назарияси дарсини мукаммал узлаштириш лозим, чунки унда мустикавий нуткнинг асосий унсурлари хакида маълумот берилган. Мазкур дарснинг мухим шартларидан бари хар доим назарий масалаларни муסיкани эшитиш билан боглик амалий холда олиб борилиши керак..

Муסיканинг бошлангич назарияси фанини укиб булган хар бир укувчидан барча мажор ва минор тоналликларни, уларнинг калит белгиларини, барча инервал ва куп кулланилаётган асарнинг тонал йуналишини аниклай олиш малакаларини эгаллаш талаб килинади.

Урганилган интервал ва аккордларни укувчилар хар доим маълум тоналлик ва товушлардан тузиб билишлари лозим. Улар хар бир интервалларнинг хар бир погонасидан тузилганида узига хос ифода охангига эга эканлигини тушинишлари хам керак. Бундай узига хослик аккордларга хам хос булади. «Метр, Ритм, Темп» мавзусини урганилаётганда маълум улчовларда туркумланиши буйича

масалаларга укувчиларнинг эътиборини жалб килиш керак. Мусиканинг бошлангич назарияси машгулотларини сольфеджио машгулотлари билан боғлаб олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мусикада товушлар чузимининг узаро боғланиб ритмик туркумлар ҳосил килиш ва тукумларнинг изчил равишда такрорланиб туришга ритм дейилади. Ҳар бир музика асарининг узига хос ритми бўлади. Ритмсиз куй бўлиши мумкин эмас.

Мусикада товушлар чузимлар чузимининг кетма-кет келиши натижасида уларнинг маълум вақт ичида алмашиб туришини курамыз. Товушларнинг муайян тартибда боғланган чузимлари бирлашиб, ритмик туркумлар ҳосил килади. Мусика асарининг умумий ритми ана шу ритмиктуркумнинг йигиндисидан таркиб топади. Масалан: улчов уч чоракталик нотага тенг чузимда бир тактда саккизталик нуктали ун олтиталик чузим икки тактда бир дона яримталик ва саккизталик нуктали уч такт унолтиталик товушлар бор.

Мусикада куйидаги чузимлар кулланилади: 1)асосий (жуфт булинадиган)чузимлар,булар ҳақида иккинчи бобда айтилган эди. Улар –бутун, яримталик , чораклик, нимчорак ва х,к.

2)асосий чузимларни исталган тенг қисимларга эркин бўлиш натижасида ҳосил бўлган чузимлар.

Булар каторига энг куп учрайдиган куйидаги эркин .булинишлар киради:

А) Триоль - асосий чузимнинг икки урнига, уч қисмга булинишидан ҳосил бўлади:

Б) Квинтоль - асосий чузимнинг тўрт қисм урнига, беш қисмга булинишидан ҳосил бўлади:

В) Секстоль-асосий чузимнинг тўрт қисм урнига, олти қисмга булинишидан ҳосил бўлади:

Г) Септоль - асосий чузимнинг тўрт қисм урнига етти қисмга булинишидан ҳосил бўлади:

Д) Дуоль - ёнига нукта куйилган асосий чузимининг икки қисмга булинишидан ҳосил бўлади:

У одатдагича булинганида куйидагига тенг:

Квартоль - ёнига нукта куйиладиган асосий чузимнинг турт кисмга булинишидан хосил булади:

Чузимлар туркумига пауза ҳам кириши мумкин, туркумдаги бир чузимча тенг булади: Музикада товушлар маълум бир вақт давомида ташкил этилади. Товушларнинг маълум бир вақтларда тенг хиссаларга булиниб, алмашиб туриши музикада бир текис ҳаракатни хосил қилади. (бундай ҳаракатга пульсация ҳам дейилади). Товушларнинг ана шу ҳаракати вақтида айрим хиссалар ургуси ажралиб туради. Бу ургуларга акцент (зарб) дейилади.

Акцент тушадиган хиссалар кучли хиссалар, акцент тушмайдиган хиссалар эса кучсиз хиссалар дейилади. Кучли ва кучсиз хиссаларнинг текис алмашилиб туриши метр дейилади. Метр хиссаси хилма-хил чузимларда ифодаланиши мумкин.

Метр хиссасининг маълум бир чузимла ифодаланиши- улчов дейилади.

Улчовлар нота ёзувида иккита ракам билан ёзилади. Бу ракамлар бирин-кетин юкоридан пастга куйилган булиб, калит ёнида альтерация белгиларидан сунг жойлаштирилади: Масалан: Устки ракам метрдаги хиссалар сонини, куйи ракам эса мазкур улчовдаги метр хиссасининг қандай чузимда ифодаланганлигини билдиради.

Музыка асарининг бир кучли хиссадан иккинчи бир кучли хиссагача булган оралиги «такт» дейилади. Нота ёзувида ҳар бир такт нота йулини кундаланг кесиб утган вертикал чизик такт чизиқи дейилади. Такт чизиқи, такт олдидан кучли хиссани ажратиб курсатиш учун куйилади.

Агар музыка асари кучсиз хиссадан бошланса, асар бошида тулик булмаган такт хосил булиб, бунга тактолди дейилади.

Тактолди музыка асари уртасида, унинг исталган бир кисми бошланиши олдида ҳам булиниш мумкин. Асар охирида ёки унинг бирор кисмидан сунг иккита такт чизиқи куйилади. Қуп ҳолларда тактолди билан бошланган асар ёки унинг бирор кисми тулик булмаган такт билан тугалланади ва у тактолдини тулдиради.

Такт олди мисоллари :

Акцентлари хар бир хиссадан кейин бир текисда такрорланиб турадиган метрлар икки хиссали метрлар деб аталади.

Акцентлари хар икки хиссадан кейин такрорланиб турадиган метрлар уч хиссали метрлар деб аталади. Уларнинг улчовлари хам шу хилда булса, оддий улчовлар дейилади. Оддий улчовларга куйидагилар курсатилади.

А) Икки хиссали улчовлар:

Б) Уч хиссали улчовлар:

Бир такт ичида ритмлар туркумланса, у чузимлар туркумланиши дейилади.

Оддий улчовлардаги чузимлар туркумланганда, тактнинг асосий хиссалари бир-биридан ажратилади. Масалан: Оддий улчовлардаги чузимлар туркумланиши тартибида куйидаги истисноларга йул куйилади:

1) бир хил булган барча чузимлар умумий чизик остига бирлаштирилади.

Масалан: Тактнинг ниҳоят кичик хиссали 3-8 улчовида куйидагича туркумланишига йул куйилади:

2) чузими бутун бир тактни эгаллаган товуш лигасиз, бир нота билан ёзилади;

3) агар нота метр хиссасини бошлаб берадиган нота булса, унинг ёнига нукта куйилади.

Масалан: Ноталар кандай туркумланса, паузалар хам шундай туркумланади. Оддий улчовлардаги туркумланиш мисоллари:

Бир хилдаги оддий метрларнинг кушилиши натижасида мураккаб метрлар хосил булади. Мураккаб метр икки ва ундан хам купрок оддий метрлардан таркиб топиши мумкин. Шунинг учун хам мураккаб метрлар вакти - вакти билан келадиган бир неча кучли хиссага эгадир. Мураккаб метрдаги кучли вақт хиссасининг сони унинг таркибидаги оддий метрлар сонига тенг булади.

Мураккаб метр биринчи хиссасининг зарби колган зарбларги нисбатан кучларок булади ва шунинг учун хам хиссага кучли хисса, унга нисбатан кучсизрок булган хиссага эса нисбатан кучли хисса дейилади. Мураккаб метр биринчи ифодаловчи барча улчовлар хам мураккаб улчовлар дейилади.

Шу сабабли, юкорида айтиб утилган мураккаб метрларнинг таркиби хакидаги гаплар мураккаб улчовларга ҳам тааллуқлидир. Мураккаб метрларни ифодаловчи энг куп кулланиладиган улчовлар куйидаги мураккаб улчовлардир:

- А) Турт хиссали улчовлар;
- Б) Олтн хиссали улчовлар;
- В) Туккиз хиссали улчовлар;
- Г) Ун хиссали улчовлар;

Мураккаб улчовларда туркумлаш шундан иборатки, уларни ташкил этган оддий улчовлар умумий ритмик туркумларга бирлаштирилмай, айрим-айрим мустакил туркумларга бирлаштирилади.

Товуш бирор мураккаб тактни бутунлигича эгалласа, умумий чузими товуш шаклида (бирор нота билан) ёзилади. Баъзан эса, чузимли оддий тактларга тенг келадиган, лига билан бирлаштирилган ноталар ёрдамида ҳам ёзилади. Бу охириги усул мураккаб улчовларни туркумлаш коидасига тугри келади. Мураккаб улчовлар ва уларни туркумлаш мисоллари:

Оддий метрларнинг кушилиши натижасида мураккаб метрлар булади. Икки ёки бир неча хар хил курунишдаги оддий метрлар бирлашуви натижасида мураккаб аралаш метрлар хосил булади.

Бу хилдаги метрларни соддарок килиб, аралаш аралаш метрлар деб, уларни ифодаловчи улчовларни эса аралаш улчовлар деб ҳам атайдилар. Музикада аралаш улчовлар оддий ва мураккаб улчовларга караганда анча кам учрайди. Булар орасида беш хиссали ва етти хиссали улчовлар купрок кулланади. Баъзида аралаш улчовларнинг бошка хиллари ҳам учраши мумкин. Аралаш улчовлар мураккаб улчовлардан айрим хусусиятлари билан фарк килади:

- 1) аралаш улчовларнинг тузилиши уларни хосил келадиган оддий улчовларнинг кетма-кет келишига боғлиқдир, бу эса кучли ва нисбатан кучли хиссаларнинг алмашилиб туришига ҳам таъсир этади;
- 2) тактнинг кучли ва нисбатан кучли хиссаларининг алмашилиб туриши текис бормаиди. Масалан:

а) беш хиссали улчовлар: биринчи

Юкоридаги биринчи мисолда акцент тактнинг биринчи ва учинчи хиссаларига, иккинчи мисолда эса тактнинг биринчи ва туртинчи хиссаларига тугри келади.

Б) етти хиссали улчовлар:

Бунда биринчи мисолда акцент тактнинг биринчи, туртинчи ва олтинчи хиссаларига, иккинчи мисолда эса тактнинг биринчи, учинчи ва бешинчи хиссаларига тугри келмокда.

Айрим вақтларда бир музика асари ичида аралаш улчовни хосил киладиган улчовларнинг алмашилиш тартиби узнариб ҳам туради. Аралаш улчовли ноталарни укиш кулай булиши учун, баъзида улчовни курсатувчи асосий ракам ёнига кавс очиб, тактнинг оддий улчовларини курсатувчи ёрдамчи ракамлар ҳам ёзилади.

Бундан ташкари, баъзан тактда оддий улчовлар бошланиши курсатувчи пунктир билан кушимча такт чизиги ҳам ёзилади. Мураккаб улчовли чузимлар кандай туркумланса, аралаш улчовли чузимлар ҳам шундай туркумланади. Аралаш улчовли чузимлар туркумланишининг хусусияти шуки, аралаш улчовлар таркибига кирадиган ҳар хил куринишдаги оддий улчовларнинг ритмик туркумлари тенг булмайди.

Музикада метрнинг бир асар давомида узгариб туриши, айна пайтда улчовнинг ҳам узгариб туриш холлари учрайди. Бундай улчовлар узгарувчан улчовлар дейилади. Узгарувчан улчовларни халк кушикларида, рус классик композиторлари ва композиторлар асарларида учратиш мумкин. Улчовлар текис ва нотекис алмашинадилар. Улчовлар текис алмашса, калит белгиси ёнига қаср шаклида иккита ракам қуйилади. Улчовлар текис алмашса, калит белгиси ёнига қаср шаклида иккита ракам қуйилади. Улчовлар нотекис алмашилиб турса, нота текстида улчовларнинг ҳар бир узгариши ёзиб қуйилади. Бу хилдаги такт тузилиши музикада деярли учрамайди.

Узгарувчан улчовларга доир мисоллар:

Музикада хилма-хил метрларнинг бирданига келиши ҳам учрайди, бунга полиметрия дейилади. Полиметриянинг туб хусусияти музика асарларидаги айрим

овоз (партия)ларнинг хилма-хил метр улчови билан ифодаланишидадир. Бунда метр акцентлари бир-бирларига мос тушиши вамос тушмаслиги ҳам мумкин.

Ритм ва метр акцентларининг бир-бирига тугри келмай колиб,ритмдаги изчиллик бузилишига« Синкопа» дейилади.

Синкопа музикада нихоятда куп учрайди. У метрнинг кучсиз хиссасидаги товушнинг навбатдаги кучли хиссасида ҳам эшитилишидан хосил булади. Бунинг натижасида зарб метрнинг мана шу кучсиз даврга тугри келган товуш бундан кейинги кучли даврга тугри келганида ҳам уз кучини саклайди. Синкопаларнинг асосий шакли купинча куйидагича булади:

А) Тактаро синкопалар (икки хиссали вауч хиссали)

Б) Такт ичидаги синкопалар (икки хиссали ва уч хиссали)

Бундан ташкари синкопа паузадан кейин ,зарбли хиссага тугри келадиган жойда ҳам хосил булиши мумкин. Такт ичидаги синкопаларни ёзишда чузимларни четлашишга йул куйилади. Масалан, одатда,такт ичидаги синкопалар кучли ва кучсиз хиссалар бир нотага бирлаштириб ёзилади, лекин айрим вақтларда, туркумлаш коидасига риоя килиб, лига оркали кушилган икки нота билан ҳам ёзилади. Тактаро синкопалар бир тактдан иккинчи бир тактга утганлиги оркали иккита нота билан ёзилади. Хилма-хил куринишдаги синкопаларга доир мисоллар:

Овоз билан сузга мулжалланган мусикада чузимлар туркумланишига нуткнинг бугин составига боглик булади. Бир бугинга тугри келадиган айрим чузимлар кушни чузимлар билан туркум булаб бирлашмайди. Агар бир бугинга бир неча товуш тугри келса, бу товушлар чузими туркумларга умумий коида буйича бирлаштирилади.

Харакат тезлиги темп (суръат) дейилади. Темп музикада ифода воситаларидан бири булиб,музика асари мазмуни билан чамбарчас боглақдар. Темплар учта асосий группага булинади: вазмин,уртача ва тез. Темпларни аниқлашда асосан итальянча иборалар кулланилади. Кейинги йилларда, рус композиторлари асарларида ва нота нашрларида рус иборалари ҳам кулланила бошланди. Куйидаги темпларнинг асосий номлари келтирилади.

Вазмин темплар:

LARGO- кенг

LENTO- чузиб

ADAJIO- огир

CRAVE- жуда огир

Уртача темплар:

ANDANTE- осойишда, ошикмасдан

ANDANTINO- андантедан сал тезлатиб

MODERATO- уртача

ALLEQRO MODERATO- уртача тез

SOSTENUTO- салобатли

ALLEQRETTO- жонланиб

Тез темплар:

ALLEQRO- тез

VIVO- жонлирок

VIVACE- жадал

PRESTO- тез ошикиб

PRETISSIMO- жуда тез

Асосий темплардан четлашганда ҳаракат йуналмасини аниқловчи айрим иборалардан ҳам фойдаланилади:

MOLTO- жуда

ASSAI- ниҳоят

CON MOTO - ҳаракат билан

COMMODO - эркин

NON TROPPO - унчалик тез эмас

NON TANDO - у қадар секин эмас

MENO MOSSO - камрок ҳаракат билан

PIU MOSSO - қупрок ҳаракат билан

Мусикада кулланиладиган барча темпларнинг номи тахминий ёки шартлидир. Темпларни янада аниқроқ булиб олиш учун “Метроном” деган асбобдан фойдаланилади.

Мельцель ихтиро қилган метроном кенг кулланиладиган метрономлардан ҳисобланади. Агар текстда темпнинг метроном билан аниқланишини курсатмоқчи бўлсак, М. М., яъни ”Мельцель метроном” сузининг қисқарган ишораси ёзилади. Метроном маятник ёрдами билан бир минутда талаб қилинган зарбларни санайди. Унинг тезлиги ёрдамида поссиғи ёрдами билан тугриланиб туради. Метроном маятниги бураб юргизилади. Маятнигининг ҳар бир уриши метрнинг бир бутун, чораклик, нимчораклик ва шу каби чўзимларнинг ҳиссалари даврига тенг бўлади.

Композитор уз асарида олдин суз иборасини, сунгра эса метроном курсатган темп белгисини ёзади.

Ижрочи томонидан автор курсатган темпнинг бирмунча узгартирилиши ҳар бир ижрочининг шахсий бадиий дидига боғлиқдир. Одатда темпни бирмунча узгартириш ижронинг бадиий томонига таъсир қилмайди. Чунки ижрочилик маҳорати музикавий образни очиб беришга қаратилган бўлади.

Мусикада ритм , метр ва темпнинг аҳамияти нихоятда катта , чунки буларнинг ҳаммаси мусиканинг ҳаракати, уйғунлашуви ва характерини белгилайди. Мусиканинг айрим жанрлари маълум бир ритм ва метрга асосланади. Бунга мисол қилиб марш, мазкрка, полька, вальс сингари музикавий жанрларни курсатиш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мусикада ритм, метр, темп, улчовлар мусиканинг асосини ташкил қилади. Ҳар бир мусиканинг узига хос ритми, метри, улчови, темпи бўлади. Ушбу терминларни билмай туриб мусикани тушуниш қийин. Масалан: ритмни билмай туриб, мусикани ижро қилиб бўлмайди.

Масалан: улчовини билмай туриб, ушбу асарни неча ҳиссадан иборатлигини ва саналишини билиб бўлмайди. Мусикада укув қобилиятини тинмай устириш

учун, куйидаги мусика укув турларидан иборат: ритм, метр уларни бир-биридан ажрата олиш лозим. Мусикада ритм туйгуси ва мусика хотираси мустахкам булиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акбаров И, Мусика луғати Т. 1987 й
2. Вахрамев В. Мусиқанинг Элементар назарияси Т.1980 й
3. Красинская Л. Утнин В. Элементарная теория мўзыки М. 1991.
4. Рахимов К. Мусиқанинг элементар назарияси бўйича машқ ва вазифалар тўплами Т.2006й
5. Тюмин С. Теория мўзыкиЛ. 1981 й.

Мундарижа

КИРИШ.....	3
1Ритм хакида тушунча.....	4
2 Мусикий товушларнинг эркин ва ритмик булинишлари.....	5
3 Оддий ва мураккаб метр улчовлар.....	5
4Узгарувчан ва аралаш улчовлар.....	7
5 Товуш чузимларининг асосий жуфт булинишлари.....	8
6Мусикада темпнинг ахамияти.....	9
7Хулоса.....	11